

2021 йил 5 апрел да  
Андижон вилоят Адлия  
бошқармаси томонидан 8р -  
сон билан  
«РЎЙХАТГА ОЛИНГАН»

2021 йил 23 февралда  
ЎКУФ Ижроия кўмитасининг  
2-25 "с"- сонли қарорига  
1-илова билан  
«ТАСДИҚЛАНГАН»

## ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ АНДИЖОН ВИЛОЯТ КЕНГАШИ

### НИЗОМИ

1.3. Кенгаш Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига Била қонунчилик  
(кейинги ўринларда "Бош кенгаш" деб аталади) қарорига мувофиқ таъин  
қилинади.

1.4. Кенгаш ўз олинган қарор ва қарарларини амалга ошириш мақсадида ўз  
аппаратини шакллантиради. Кенгаш аппаратининг тузилмаси ҳамда қўғишлар  
жалдан Федерация Ижроия кўмитаси томонидан тасдиқланади.

1.5. Кенгаш ва касаба уюшмалари Республика кенгашларининг  
муносабатлари ўзаро ҳурмат, ишонч, Федерация олганда тузилган вазифаларини  
бажаришда ҳиддан ҳамкорлик ва бирдамлик тамойиллари асосида курилади.

1.6. Кенгаш қулуддаги бачча касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан  
Федерация Устави талабларига риоя этилиши учун жавобгар ваколатли орган  
таъинланади.

1.7. Кенгашнинг номланлиги:  
ўзбек тилида: ўзбек – Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг  
Андижон вилоят Кенгаши; рус тилида – УКУФ АБК,

рус тилида: ўзбек – Андижанский областной Совет Федерации профсоюзов  
Узбекистана; кыскартуваси – АБК ФПУ.

1.8. Кенгашнинг раъбар органи жойлашган ери (почта мазмани):  
Ўзбекистон Республикаси, Андижон вилояти, Ички ишлар бўлими, 22-чи.

Андижон – 2021й.

РУЙХАТГА ОЛИНДИ  
№ 8р-сон  
2021 йил 5 апрел  
АНДИЖОН ВИЛОЯТ АДЛИЯ  
БОШҚАРМАСИ

## I. Умумий қоидалар

1.1. Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг (кейинги ўринларда “Федерация” деб аталади) Андижон вилоят Кенгаши (кейинги ўринларда “Кенгаш” деб аталади) – Федерацияга аъзо ташкилотларнинг устав вазифаларини бажаришдаги саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш, шунингдек, уларнинг умумий манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш, амалдаги қонунчилик доирасида ҳуқуқий кафолатларини таъминлаш, қасаба уюшмалари аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш борасидаги Федерациянинг барча вазифаларини Андижон вилоятида бажарадиган алоҳида бўлинмаси ҳисобланади.

Кенгаш айти вақтда Федерацияга аъзо ташкилотларнинг ҳудуддаги бўлинмалари ва бошланғич ташкилотлари (кейинги ўринларда «қасаба уюшмалари ташкилотлари» деб юритилади) бирлашмаси ҳисобланади, қасаба уюшмалари аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш ишларини улар билан ўзаро ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик ҳамда бирдамлик асосида амалга ошириш ва фаолиятларини мувофиқлаштириш мақсадида ташкил этилган.

Кенгаш юридик шахс мақомига эга бўлиб, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли муассасадир.

1.2. Кенгаш ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Мехнат ва Фуқаролик кодекслари, «Қасаба уюшмалари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги, “Мехнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги ва бошқа қонунлари, Федерация Устави ҳамда мазкур Низом асосида амалга оширади.

1.3. Кенгаш Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Бош кенгашининг (кейинги ўринларда “Бош кенгаши” деб аталади) қарорига мувофиқ ташкил этилади.

1.4. Кенгаш ўз олдида турган вазифаларни амалга ошириш мақсадида ўз аппаратини шакллантиради. Кенгаш аппаратининг тузилмаси ҳамда штатлар жадвали Федерация Ижроия қўмитаси томонидан тасдиқланади.

1.5. Кенгаш ва қасаба уюшмалари Республика кенгашларининг муносабатлари ўзаро ҳурмат, ишонч, Федерация олдида турган вазифаларни бажаришда яқиндан ҳамкорлик ва бирдамлик тамойиллари асосида қурилади.

1.6. Кенгаш ҳудуддаги барча қасаба уюшмалари ташкилотлари томонидан Федерация Устави талабларига риоя этилиши учун жавобгар ваколатли орган ҳисобланади.

1.7. Кенгашнинг номланиши:

ўзбек тилида: тўлиқ – Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Андижон вилоят Кенгаши; қисқартмаси – ЎКУФ АВК;

рус тилида: тўлиқ – Андижанский областной Совет Федерации профсоюзов Узбекистана; қисқартмаси – АОС ФПУ;

1.8. Кенгашнинг раҳбар органи жойлашган ери (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, Андижон шаҳри, Навои шоҳ кўчаси, 32-уй.

## II. Кенгашнинг раҳбар органлари

### 2.1. Қуйидагилар Кенгашнинг раҳбар органлари ҳисобланади:

Конференция;

Кенгаш;

Кенгашнинг Ижроия қўмитаси;

Кенгаш раиси.

2.2. Конференция Кенгашнинг олий органи бўлиб, Кенгаш томонидан беш йилда камида бир маротаба чақирилади.

Конференция чақириш, вакиллик меъёри ҳамда тавсия этилаётган кун тартиби тўғрисида конференциядан камида 15 (ўн беш) кун олдин эълон қилинади.

### 2.3. Конференция ваколатига:

Кенгаш, шунингдек, тафтиш комиссияси аъзоларини ҳамда раисларини сайлаш, ҳудуддаги касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан тўғридан-тўғри вакил йўллаш усулида Кенгаш таркибига сайланган вакилларнинг ваколатини тасдиқлаш;

Кенгаш ва тафтиш комиссиясининг фаолиятлари тўғрисидаги ҳисоботларини тинглаш, уларни баҳолаш (тасдиқлаш);

Кенгашнинг узоқ муддатга мўлжалланган дастурий ҳужжатларини қабул қилиш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

белгиланган тартибда ва вакиллик меъёрига мувофиқ Федерация Курултойига делегатларни, Федерация Бош кенгаши таркибига вакилларини сайлаш, уларни чақириб олиш;

Федерация Устави ва мазкур Низомга зид келмайдиган бошқа масалаларни ҳал этиш киради.

2.4. Кенгаш конференциялар оралиғида раҳбар орган бўлиб, 5 йил муддатга сайланади.

Кенгаш бевосита конференцияда сайлаш ёки белгиланган меъёрга мувофиқ унинг таркибига касаба уюшмалари ташкилотларидан вакил йўллаш принципи бўйича шакллантирилади.

Федерация раиси таклиф этган кўпи билан икки нафар номзодлар тўғридан-тўғри Кенгаш аъзолигига киритилади.

Кенгаш мажлиси Кенгашнинг Ижроия қўмитаси қарорига мувофиқ заруратга қараб, лекин ҳар йили камида бир маротаба ўтказилади.

### 2.5. Кенгаш:

Ҳудуддаги касаба уюшмалари ташкилотларининг касаба уюшмалари аъзоларини ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларини бирлаштиради ва фаолиятларини мувофиқлаштириб боради;

давлат органларида касаба уюшмалари ташкилотлари ва аъзоларининг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ифодалайди ва ҳимоя қилади;

меҳнат, бандлик, маиший турмуш, соғломлаштириш, маданий-маърифий ва спорт ишлари, шунингдек бошқа масалалар бўйича тегишли идораларга таклифлар киритади ҳамда уларнинг ҳаётга татбиқ этилишига эришади;

аҳолининг турли гуруҳлари ва қатламлари турмуш даражасини ўрғанади, аҳоли даромадлари ва халқ истеъмол моллари ҳамда хизматлар нархининг ўсиш индекси нисбатини тартибга солиш бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этади;

ҳудудда ижтимоий-иқтисодий инфраструктурани ривожлантириш режаларини шакллантиришда иштирок этади;

қонунчиликка асосан ҳамда Федерация томонидан белгиланган тартибда хайрия ва ҳомийлик фаолиятини амалга оширади;

ўз тасарруфидаги ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиради ва раҳбарлик қилади;

умумий мақсадлар йўлида Федерацияга аъзо ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;

молиялаштириш Федерация томонидан амалга оширилган ҳолларда Федерация Ижроия қўмитаси томонидан маъқулланган касаба уюшмаси бюджетининг тегишли қисмини бошқаради ҳамда ишлаб чиқариш, хўжалик ва қонун билан руҳсат этилган бошқа фаолиятдан тушадиган маблағларни Федерация Ижроия қўмитаси билан келишган ҳолда самарали ва мақсадли сарфланишини таъминлайди;

Федерация Ижроия қўмитаси томонидан тасдиқланган ижтимоий суғурта бюджети бўйича ишларни амалга оширади;

конференциялар оралиғида Кенгаш раисини сайлайди ва вазифасидан озод этади, Кенгаш таркибига касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан янги вакил этилганларнинг ваколатларини тасдиқлайди, Кенгаш аъзолари таркибини тўлдириб боради;

конференциялар оралиғида Федерация Бош кенгаши таркибидаги ўз вакиллари чакиртириб олади ва уларнинг ўрнига бошқа вакиллари сайлайди;

Кенгаш таркибидан чиққан ёки чиқарилган аъзоларни ўз таркибидан чиқаради;

Кенгашнинг Ижроия қўмитаси таркибини сайлайди;

Кенгашнинг Ижроия қўмитаси ҳисоботини тинглайди, касаба уюшмалари ташкилотлари ўртасида юзага келган касаба уюшмалари фаолиятига доир низоларни кўриб чиқади;

зарурат туғилганда касаба уюшмалари фаолиятининг турли йўналишлари бўйича комиссиялар тузади;

Федерациянинг раҳбар органлари томонидан қабул қилган қарорларнинг ижросини таъминлайди;

Кенгашнинг конференциясини чақиради, кун тартибини таклиф этади, делегатларни сайлаш тартиби ҳамда меъёрини белгилайди;

Федерация томонидан белгиланган тартибда мулкка эгалик қилиш, фойдаланиш, тасарруф этиш бўйича меъёрий ҳужжатлар қабул қилади;

Федерациянинг Устави ва мазкур Низомга зид бўлмаган бошқа масалаларни ҳал этади.

2.6. Кенгаш касаба уюшмалари ташкилотларининг касаба уюшмаси бюджети бўйича молиявий фаолиятини мувофиқлаштириб боради, шунингдек раҳбар органлари қарорларининг бажарилишини назорат қилиш доирасида ушбу масалада уларнинг фаолиятини ўрганиши ҳамда масалани Кенгаш ёки Кенгашнинг Ижроия қўмитаси муҳокамасига киритиши мумкин.

2.7. Кенгаш ижтимоий солиқ тушумлари ва касаба уюшмаси бюджетлари бўйича маблағларнинг тўлиқ тушиши ва мақсадли сарфланишини ҳамда Федерацияга ажратмалар ўз вақтида ва тўла ҳажмда ўтказилишини таъминлайди, бюджет ижроси бўйича ҳисоботларни тақдим этади.

### **2.8. Кенгашнинг Ижроия қўмитаси:**

Кенгаш мажлислари оралиғида жорий масалаларни ҳал этиш учун Кенгашнинг Ижроия қўмитаси (кейинги ўринларда “Ижроия қўмита” деб аталади) сайланади.

Ижроия қўмита таркибига Кенгаш раиси, унинг ўринбосари (ўринбосарлари), Кенгаш томонидан сайланган бошқа аъзолар киради.

Федерация раиси таклиф этган кўпи билан икки нафар номзодлар тўғридан-тўғри Ижроия қўмита аъзолигига киритилади.

Ижроия қўмита мажлислари заруратга қараб, лекин ҳар чорақда камида бир маротаба ўтказилади.

### **2.9. Ижроия қўмита:**

Кенгаш мажлисига муҳокама этиладиган масалалар юзасидан тегишли ҳужжатларни тайёрлайди ва кўриб чиқиш учун тақдим этади, қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши назоратини ташкил қилади;

касаба уюшмалари ташкилотларининг ҳодимларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашга оид талабларини давлат органларида қўллаб-қувватлайди, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун қонунчиликда белгиланган ҳуқуқлардан фойдаланади;

Кенгаш раиси ўринбосарини (ўринбосарларини) сайлайди,

Кенгаш номидан иш берувчилар бирлашмалари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ходимларнинг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан ҳудудий келишув тузиш учун музокаралар олиб боради, келишув тузади ва уни амалга оширилишини назорат қилади;

белгиланган тартибда жамоа шартномалари лойиҳаларини экспертизадан ўтказди, уларнинг бажарилишини таҳлил қилади ва ҳисобини юритади, касаба уюшмалари ташкилотларига бу борада амалий ёрдам кўрсатади;

ҳудуддаги давлат бошқаруви органлари, идора, ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни йўлга қўяди;

ҳудудда иш ҳақи, ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги ёки унинг вафоти муносабати билан бериладиган зарар тўловларининг ўз вақтида тўланиши устидан жамоатчилик назоратини ва мониторингини олиб боради;

ҳудудий меҳнат бозоридаги вазиятни таҳлил қилиб боради, янги иш ўринларини яратиш дастурига таклифлар киритади ва бажарилишини мониторинг қилади;

янги иш ўринлари яратилганлигига доир маълумотларнинг ҳаққонийлигини жойларга чиқиб ўрганиш ишларини мувофиқлаштириб боради;

худудда иш ўринлари қисқартирилиши ёки корхоналар тугатилиши натижасида бўшатиб олинган ходимларга қўшимча моддий мадад чоралари берилиши назорат қилади;

яширин ишсизлик ва норасмий бандликни чеклаш борасида касаба уюшмалари ташкилотларига амалий ёрдам кўрсатади;

қонун ҳужжатлари ва жамоа шартномаларида назарда тутилган ижтимоий ҳимоя чоралари қўлланилишини назорат қилиш ишларини ташкиллаштиради;

меҳнат муҳофазаси соҳасида олиб борилаётган ишлар ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилади ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ишларни ташкил этиш, бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш бўйича тегишли чоралар кўриш юзасидан иш берувчиларга талабномалар киритади;

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Конвенцияларига худудда риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини ташкил этади;

касаба уюшмаларининг устав вазифалари доирасига кирувчи масалалар юзасидан жамоатчилик назоратининг барча шакллари (давлат органларига мурожаат қилиш, жамоатчилик мониторинги, жамоатчилик эшитуви, жамоатчилик текшируви, жамоатчилик фикрини ўрганиш ва ҳоказолар)дан фойдаланади;

касаба уюшмалари аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, меҳнат муҳофазаси, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, касаба уюшмалари ходимлари ва фаолларини ўқитиш, маданий-маърифий ва спорт тадбирларини ўтказиш соҳасида иш олиб боради, ушбу масалаларда давлат органлари ва жамоат ташкилотлари билан қўшма қарорлар қабул қилади;

янги ташкил этилаётган корхоналарни фойдаланишга қабул қилишда касаба уюшмалари вакиллари иштирокини таъминлайди, рўйхатдан ўтган корхона ва ташкилотлар рўйхатини шакллантиради, касаба уюшмалари Республика кенгашлари билан ҳамкорликда уларда ишловчи ходимларни касаба уюшмаларига жалб этиш чораларини кўради;

мулкчилик шаклидан қатъий назар, давлат ва хўжалик бошқарув органларининг ходимлар ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини камситувчи ва амалдаги қонунларга зид қарорларини бекор қилишга, ижросини тўхтатишга ва ўзгартиришга эришади;

касаба уюшмалари фаолиятининг устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда, Кенгашнинг моддий-техник базасини кучайтириш, интитуционал ривожлантириш мақсадида Федерация билан келишган ҳолда бошқа давлатларнинг касаба уюшмалари, халқаро ташкилотлар, экологик ва бошқа фондлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, ҳамкорликда лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга оширишда иштирок этади;

Кенгашнинг молиявий-хўжалик фаолиятини амалга оширади, молиялаштириш Федерация орқали амалга оширилган ҳолларда Федерациянинг Ижроия кўмитаси томонидан маъқулланган касаба уюшмаси ва ижтимоий суғурта бюджети бўйича даромадлар ва харажатлар сметасини, мазкур бюджетлар ҳисобидан санаторийларга йўлланмаларни тақсимлаш режасини тасдиқлайди; нди

касаба уюшмалари ташкилотларига касаба уюшмалари ва бошқа тизимдаги санаторийларга йўлланмалар беради ҳамда болалар оромгоҳларини молиялаштириш масалаларини ҳал этади;

Кенгаш мажлисини чақиради, кун тартибини таклиф этади ҳамда уни ўтказиш вақти ва жойини белгилайди;

Федерациянинг Ижроия кўмитаси қарори асосида Кенгаш аппаратининг штатлар жадвалини тасдиқлайди;

касаба уюшмалари ташкилотларида касаба уюшмалари аъзоларини ижтимоий-иқтисодий манфаатларини, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш, меҳнат муҳофазаси, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, касаба уюшмалари ходимлари ва фаолларини ўқитиш, иш юритишни ташкил этиш, маданий ва маърифий тадбирларни ўтказиш ишларини мувофиқлаштириб боради, ўрганади, амалий ёрдам кўрсатади, зарур ҳолларда Ижроия кўмита мажлисида муҳокама этади;

касаба уюшмаларининг ўрта ва қуйи бўғин органлари раҳбарлари ҳамда ходимлари учун касаба уюшмалари Республика кенгашлари билан ўзаро мувофиқлаштирилган ҳолда ўқув-семинарлар ташкил этади;

Федерациянинг раҳбар органлари қарорларига мувофиқ касаба уюшмалари ташкилотлари учун услубий қўлланмалар ишлаб чиқиши мумкин;

касаба уюшмалари кадрлари ва фаолларини Федерациянинг Фахрий ёрлиғи, нишонлари билан тақдирлаш, шунингдек давлат мукофотларига тавсия этиш тўғрисида таклифлар, тақдимномалар киритади;

Кенгаш ваколат берган бошқа вазифаларни бажаради.

## 2.10. Кенгаш раиси:

Кенгаш, Ижроия кўмита аъзоси ҳамда раиси ҳисобланади ва беш йил муддатга сайланади.

Кенгашнинг сайланма органлари ишига умумий раҳбарликни амалга оширади;

Ижроия кўмита белгилаган пул маблағларини тасарруф этади;

Кенгаш аппарати ходимлари билан меҳнат шартномасини тузади (ўзгартиради, бекор қилади), ходимларнинг функционал вазифаларини, бўлимлар тўғрисидаги Низомни тасдиқлайди;

Кенгаш аппаратининг фаолияти билан боғлиқ фармойишлар чиқаради;

Кенгаш аппарати ходимлари ўртасида ҳамкорликни таъминлайди, бўлимларда белгиланган тадбирларнинг бажарилишини назорат қилади;

Кенгаш аппарати ходимлари томонидан ижро интизомига риоя этилишини таъминлайди ҳамда назорат қилади, уларни рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масаласини ҳал қилади, бажарилиши мажбурий бўлган қонуний фармойишлар чиқаради (оғзаки топшириқлар беради), Кенгаш номидан ишончнома беради;

тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари билан ҳудуд бўйича масъул ташкилотчи, Федерацияга аъзо ташкилотнинг ҳудудий бўлинмаси раҳбари лавозимига номзодларни келишади;

касаба уюшмалари Республика кенгашларининг ҳудуд бўйича масъул ташкилотчилари, Федерацияга аъзо ташкилотларнинг ҳудудий бўлинмалари

раҳбарлари билан туман, шаҳар кенгашлари раислари лавозимига номзодларни келишади;

касаба уюшмаси ва ижтимоий суғурта бюджети маблағлари бўйича молиявий ҳужжатларга биринчи имзо қўювчи (кредит тақсимловчи) ҳисобланади ва уларнинг мақсадли сарфланиши учун жавобгар ҳисобланади;

унга ваколат берилган бошқа вазифаларни бажаради.

Қуйидаги масалалар юзасидан Кенгаш аппарати ишини ташкил этади, белгиланган вазифаларнинг тезкор ҳал этилишини таъминлайди ва натижаси учун шахсан жавоб беради:

меҳнат, бандлик, ижтимоий муҳофаза, соғломлаштириш, маданият, спорт ва бошқа масалалар бўйича тегишли идораларга таклифлар киритиш, уларнинг амалга оширилишига эришиш;

зарур ҳолларда кадрларни касбий тайёрлаш ва қайта тайёрлашни иш берувчилар, тегишли идоралар раҳбариятидан талаб қилиш;

аҳолининг турли гуруҳлари ва қатламлари турмуш даражасини ўрганиш, аҳоли даромади, халқ истеъмоли моллари ва хизматлар нархи ўсиши индекси нисбатини тартибга солиш бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этиш;

худудда амалга оширилаётган умумдавлат манфаатларига тааллуқли ишларда, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришда иштирок этиш;

мурожаатларни кўриб чиқишни ташкил этиш ва назорат қилиш;

касаба уюшмалари аъзоларига юридик хизмат кўрсатиш;

корхона ва ташкилот ходимлари ўртасида маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини ташкил қилишда Федерация аппаратининг маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими билан ҳамкорлик қилиш, уюшмалараро тадбирларни ўтказиш;

худуддаги касаба уюшмалари ташкилотларига Федерация тизимидаги санаторийларга Санатор-курортлар бошқармасидан, шунингдек ўрнатилган меъёрларга амал қилган ҳолда корхона ва ташкилотлар тасарруфидаги санаторий ва дам олиш уйларида харид қилинган йўлланмаларни бериш ҳамда болалар дам олиш ва соғломлаштириш оромгоҳлари фаолиятини ташкил қилиш, молиялаштириш масалаларини ҳал қилиш, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ҳамда маданий дам олишларини ташкил этиш;

туман, шаҳар кенгашлари, Республика кенгашларининг масъул ташкилотчилари, Федерацияга аъзо ташкилотларнинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари билан ҳамкорликда бошланғич ташкилотларда касаба уюшмаларига аъзолик бадаллари тушуми тўлиқлигини таъминлаш;

республика ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари орқали кенг жамоатчиликни Кенгашнинг фаолияти тўғрисида хабардор этиш;

Федерация томонидан талаб қилинаётган ахборот ва ҳисоботларни ўз вақтида тақдим этиш;

## 2.11. Кенгашнинг тафтиш комиссияси:

Кенгаш конференцияси томонидан Кенгашнинг ваколат муддатига тенг муддатга сайланади ва жамоатчилик асосида фаолият юритади;

ўз фаолиятида мустақил бўлиб, фақат Кенгаш конференцияси олдида ҳисобот беради.

Федерация Устави, мазкур Низом ва Кенгаш томонидан қабул қилинадиган Низомга мувофиқ фаолият олиб боради.

2.12. Кенгаш тафтиш комиссиясининг фаолияти Федерациянинг Назорат-тафтиш комиссияси томонидан бевосита мувофиқлаштирилиб ва йўналтирилиб турилади.

### **III. Кенгаш конференцияси, Кенгаш ва унинг Ижроия қўмитаси, тафтиш комиссияси мажлисларининг тўла ҳуқуқли бўлиши, уларда қарорлар қабул қилиш ва овоз бериш шакллари**

3.1. Кенгаш конференцияси делегатларнинг камида учдан икки қисми иштирок этгандагина ваколатли ҳисобланади.

3.2. Кенгаш, Кенгаш ижроия қўмитаси, Кенгаш тафтиш комиссияси мажлислари ушбу сайланма органлар аъзоларининг ярмидан кўпи иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

3.3. Кенгаш конференцияларида, Кенгаш, Кенгашнинг ижроия қўмитаси, Кенгаш тафтиш комиссияси мажлисларида иштирок этаётган делегатлар ёки аъзоларнинг ярмидан кўпи ёқлаб овоз берган қарорлар қабул қилинган ҳисобланади.

Овоз бериш шакли (очик ёки яширин бўлиши) конференция делегатлари, сайланма органлар аъзолари томонидан белгиланади.

3.4. Кенгашнинг раҳбар органлари мажлисини бевосита йиғилиш кўринишида ўтказишнинг имкони бўлмаган ҳолларда, мажлислар видеоконференцалоқа ёки бошқа усулларда ўтказилиши мумкин, шунингдек қарорлар сўров йўли билан ҳам қабул қилиниши мумкин.

### **IV. Кенгашнинг маблағлари ва мулки**

4.1. Кенгаш маблағлари Федерациянинг тегишли органи қарорлари билан тасдиқланган меъёрий ҳужжатларга асосан тушган, Федерация томонидан молиялаштирилган маблағлар, касаба уюшмалари ташкилотларидан тушган бадаллар, ижтимоий солиқ тўловларидан йўналтирилган, ишлаб чиқариш, хўжалик ва қонун билан тақиқланмаган бошқа фаолиятдан тушадиган маблағлардан ташкил топади ва унинг эгалик ҳуқуқисиз оператив бошқарувида бўлади.

4.2. Кенгаш амалдаги қонунчиликка биноан ва Федерация томонидан белгиланган тартибда ўзига тегишли маблағлардан фойдаланади ва тасарруф этади.

4.3. Кенгаш амалдаги қонунларда белгиланган тартибда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш, суғурта ва акциядорлик жамиятларини, ўзига тегишли ва қўшма корхоналарини ташкил этиш, мақсадли жамғармаларни шакллантириши мумкин. Кенгашнинг даромадлари касаба уюшмалари ташкилотлари ўртасида тақсимланмайди ҳамда Федерация Уставида кўзда тутилган мақсадларга сарфланади.

4.4. Кенгаш касаба уюшмалари мулкига эгалик қилиш ва тасарруф этиш (мулкчилик шаклини ўзгартириш, сотиш, фойдаланишга ёки ижарага бериш, ҳада этиш ва шу каби) масалаларини ҳал этишда фақат Федерациянинг Ижроия қўмитасини руҳсати билан иш кўради.

4.5. Кенгаш Федерация билан келишилган ҳолда, ишлаб чиқариш, хўжалик ва конун билан рухсат этилган бошқа фаолиятдан тушадиган маблағларни янги иш ўринларини яратиш ҳамда Федерация Устави ва мазкур Низомда белгиланган вазифалар доирасида маданий-оммавий, спорт-соғломлаштириш тадбирларини ўтказиш мақсадларига сарфлаши мумкин.

#### **V. Кенгашнинг юридик шахс сифатидаги ҳуқуқлари**

5.1. Кенгаш давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан юридик шахс ҳисобланади. У ўз муҳри, штамплари, бланклари ва банкларда ҳисоб рақамларига эга.

5.2. Кенгаш ўз бланкида Федерация рамзи тасвиридан фойдаланиши мумкин.

#### **VI. Кенгашнинг ҳисоб ва ҳисоботи**

6.1. Кенгаш ўз фаолиятининг натижалари ҳисобини юритади ҳамда рўйхатдан ўтказувчи, солиқ ва статистика органлари, шунингдек Федерацияга белгиланган тартибда ҳисоботлар тақдим этади.

#### **VII. Кенгашни қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби**

7.1. Кенгаш Федерация Бош кенгаши қарори билан тузилади ёки тугатилади ва уни қайта ташкил этиш қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

7.2. Кенгашни тугатиш ҳақида Федерация Бош кенгаши томонидан қарор қабул қилинган тақдирда, Федерациянинг Ижроия қўмитаси тугатиш комиссиясини тузади, шунингдек, кредиторлар талаби қаноатлантирилгандан сўнг қолган мулки Федерацияга ўтказилади.

7.3. Кенгаш фаолиятини тўхтатиш, шунингдек, Кенгашни тугатиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда суд томонидан амалга оширилиши мумкин.

#### **VIII. Яқуний қоидалар**

8.1. Мазкур Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш Федерациянинг Ижроия қўмитаси ваколатига киради.

8.2. Низомга киритилган барча ўзгартиш ва қўшимчалар белгиланган тартибда қайта рўйхатдан ўтказиш учун вилоят Адлия бошқармасига тақдим этилади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари

Федерацияси раиси



Қ.Рафиқов

